ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

ШНҚ 2.07.07-24 «ЕР ОСТИ МАКОНЛАРИ» ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 15 апрелда ҳисобга олинди, ҳисоб рақами 343]

Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 ноябрдаги ПФ-6119-сон «Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ буюраман:

1. ШНҚ 2.07.07-24 «Ер ости маконлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Транспорт вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир Ш. ХИДОЯТОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 11 март,
01/2-26-сон
Келишилди:

Энергетика вазири Ж. МИРЗАМАҲМУДОВ

2025 йил 27 февраль

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А. АБДУХАКИМОВ

2025 йил 25 февраль

Фавқулодда вазиятлар вазири А. КУЛДАШЕВ

2025 йил 31 январь

Транспорт вазири И. МАХКАМОВ

2025 йил 30 январь

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси раиси Б. ЮСУПАЛИЕВ

2025 йил 24 январь

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва
уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг
2025 йил 11 мартдаги 01/2-26-сон
буйруғига
ИЛОВА

ШНҚ 2.07.07-24 «Ер ости маконлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари

Мазкур шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (бундан буён матнда ШНҚ деб юритилади) аҳоли пунктларининг ер ости маконларида иншоотларни, биноларнинг ер ости қисмларини жойлаштириш, лойиҳалаш, реконструкция қилиш ҳамда улардан фойдаланишга оид талабларни белгилайди.

1-боб. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳаволалар

1. Мазкур ШНҚда қуйидаги шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳаволалар келтирилган:

ШНҚ 1.02.07-19 «Қурилиш учун муҳандислик-техник изланишлар. Асосий қоидалар»;

ШНҚ 1.02.08-19 «Қурилиш учун муҳандислик-геодезик қидирувлар. Қоидалар тўплами»;

ШНҚ 1.02.09-21 «Қурилиш учун муҳандислик-геология изланишлари»;

ШНҚ 1.03.02-23 «Ҳудудларни ривожлантириш ва қуришни шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштириш тўғрисидаги шаҳарсозлик ҳужжатларининг таркиби ва мазмуни»;

ШНҚ 1.03.03-23 «Қурилиш объектларини лойиҳалаштириш»;

ШНҚ 1.04.01-23 «Бино ва иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш ва мониторинг қилиш тартиби»;

ШНҚ 2.01.02-04 «Бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги»;

ШНҚ 2.01.03-19 «Сейсмик ҳудудларда қурилиш»;

ШНҚ 2.01.19-22 «Портлаб-ёниш ва ёнғин хавфи бўлган хоналар, бино ва иншоотлар ҳамда ташқи қурилмалар тоифаларини аниқлаш»;

ШНҚ 2.02.01-24 «Бино ва иншоотларнинг заминлари»;

ШНҚ 2.03.11-24 «Қурилиш конструкцияларини коррозиядан ҳимоя қилиш»;

ШНҚ 2.04.02-19 «Сув таъминоти. Ташқи тармоқлар ва иншоотлар»;

ШНҚ 2.04.03-24 «Оқова сувларни чиқариб юбориш. Ташқи тармоқлар ва иншоотлар. Лойиҳалаш талаблари»;

ШНҚ 2.04.07-22 «Иссиқлик тармоқлари»;

ШНҚ 2.04.08-22 «Газ таъминоти. Лойиҳалаш талаблари»;

ШНҚ 2.04.09-21 «Бино ва иншоотларнинг ёнғин автоматикаси»;

ШНҚ 2.05.02-23 «Автомобиль йўллари. Лойиҳалаш талаблари»;

ШНҚ 2.05.03-22 «Кўприклар ва қувурлар»;

ШНҚ 2.05.04-21 «Метрополитенлар»;

ШНҚ 2.05.05-24 «Темир йўл ва автомобиль йўллари туннеллари»;

ШНҚ 2.05.06-22 «Магистраль қувурлар»;

ШНҚ 2.05.12-22 «Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари ҳудудига ётқизилган нефть қувурлари»;

ШНҚ 2.07.01-23 «Аҳоли пунктларининг ҳудудларини ривожлантириш ва қуришни шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштириш»;

ШНҚ 2.07.02-24 «Қурилиш объектларини ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда кексалар эҳтиёжини инобатга олган ҳолда лойиҳалаштириш»;

ШНҚ 2.07.06-24 «Шаҳар кўча-йўллари. Лойиҳалаш талаблари»;

ШНҚ 2.08.02-23 «Жамоат бинолари ва иншоотлари»;

ШНҚ 2.09.02-23 «Корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳамда маъмурий-маиший бино ва иншоотлари. Лойиҳалаш талаблари»;

ШНҚ 2.09.03-23 «Омборхоналар. Лойиҳалаш меъёрлари»;

ШНҚ 2.09.19-22 «Нефть ва нефть маҳсулотлари омборхоналари»;

ГОСТ 24451-80 «Автомобиль йўли туннеллари. Қурилмалар ва ускуналарнинг яқинлашиш ўлчамлари» *(расмий манба: Тоннели автодорожные. Габариты приближения строений и оборудования*);

ГОСТ 33152-2014 «Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари. Тонеллар таснифи» *(расмий манба: Дороги автомобильные общего пользования. Классификация тоннелей*);

ГОСТ 30416-2020 «Грунтлар. Лаборатория синовлари. Умумий қоидалар» *(расмий манба: Грунты. Лабораторные испытания. Общие положения)*;

ГОСТ 30672-2019 «Грунтлар. Дала синовлари. Умумий қоидалар» *(расмий манба: Грунты. Полевые испытания. Общие положения*);

ГОСТ 31937-2011 «Бинолар ва иншоотлар. Техник ҳолатни текшириш ва мониторинг қилиш қоидалари» *(расмий манба: Здания и сооружения. Правила обследования и мониторинга технического состояния)*;

ГОСТ 24846-2012 «Грунтлар. Бино ва иншоотлар асослари деформацияларини ўлчаш усуллари» *(расмий манба: Грунты. Методы измерения деформаций оснований зданий и сооружений)*;

O‘z DSt 3644:2023 «Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари. Пиёдалар ўтиш жойлари. Тасниф. Умумий талаблар».

2-боб. Атамалар ва таърифлар

2. Ушбу ШНҚда қуйидаги атама ва таърифлардан фойдаланилган:

ер ости маконлари — одамларнинг бўлиши, ишлаб чиқариш, илмий ва бошқа фаолиятни амалга ошириш, шунингдек амалий жараёнларнинг кечиши учун муҳит сифатида фойдаланиладиган ер қаърининг бир қисми;

зоналаштириш — ҳудудни ривожлантиришни шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштириш чоғида шаҳарсозликнинг фойдаланиш турларини ҳамда бу турлардан фойдаланишга доир чекловларни белгилаган ҳолда, ҳудуднинг функционал мақсадга кўра бўлиниши;

шаҳарсозлик ҳужжатлари — ҳудудларни ва аҳоли пунктларини ривожлантиришни шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштириш тўғрисидаги ҳамда уларни қуриш ҳақидаги тасдиқланган ҳужжатлар.

3-боб. Умумий қоидалар

3. Ер ости маконларини ўзлаштириш бўйича лойиҳавий ечимлар аҳоли пунктларининг бош режаларига мувофиқ қабул қилиниши керак.

4. Ер ости маконларини шакллантиришнинг мақсадга мувофиқлиги қуйидагиларга мувофиқ асослантирилиши лозим:

янги қурилишлар учун ер усти майдонларини бўшатиш, кўкаламзорлаштирилган ва рекреация зоналарни яратиш имконияти;

метрополитенда, автомобиль ва темир йўлларида йўловчилар оқимининг катталиги;

аҳоли зич жойлашган йирик жамоат объектларнинг мавжудлиги (офислар, савдо ва кўнгилочар жойлар, спорт ва концерт марказлари, боғлар).

5. Ер ости маконларида жойлашган иншоотларни лойиҳалаш босқичида техник ечимлар ҳамда қурилиш ишларини бажариш технологияларини қабул қилишда қуйидагилар ҳисобга олиниши керак:

техноген омиллар, шунингдек объект жойлашуви хусусиятлари;

аҳоли пунктининг ер усти қисмидаги бинолар, муҳандислик инфратузилмаси ва сув объектлари, аҳоли пунктининг кўча-йўллари;

аҳоли пунктининг ер ости қисмидаги метро иншоотлари, транспорт туннеллари, ер ости иншоотлари ва муҳандислик тармоқлари, ер ости сунъий сув оқимлари;

ҳудудининг табиий шароити, рельефи, сув ҳавзалари;

ер ости иншоотлари ва мавжуд табиий-техноген муҳитнинг бир-бирига кўрсатадиган таъсири.

6. Аҳоли пунктининг қурилиш зичлиги юқори бўлган ҳудудларда ер ости иншоотлари жойлашуви бўйича қабул қилинган лойиҳавий ва техник ечимлар бу иншоотларнинг атрофидаги бинолар ва моддий маданий мерос объектларининг сақланишини таъминлаши лозим.

Ер ости иншоотларини қуриш даврида ёндош ҳудудларни сув босиши ва ер ости сувларининг ифлосланиши олди олиниши керак.

7. Ер ости иншоотларини лойиҳалашда уларнинг ҳажмий-режавий (жойлашуви, чуқурлиги, ҳажми) ва конструктив ечимларини (юк кўтарувчи конструкциялар ва пойдеворларнинг турлари, ер ости сувларидан ҳимоялаш усуллари) техник-иқтисодий таққослаш асосида қабул қилиниши лозим.

8. Аҳоли пунктларининг бош режалари ва батафсил режалаштириш лойиҳалари таркибида қуйидагиларни инобатга олган ҳолда ер ости маконини ўзлаштириш қисмлари ишлаб чиқилиши керак:

аҳоли пунктининг иқтисодий, географик, ижтимоий, ишлаб чиқариш, тарихий-меъморий ва табиий ресурслари салоҳиятини;

аҳоли пунктининг маъмурий мақоми, аҳолиси сони, иқтисодий базаси, жойлашган жойи, сайёҳларнинг ташриф буюриши, шунингдек табиий-иқлимий, экологик**,** ижтимоий-демографик, маданий-маиший ва бошқа маҳаллий хусусиятларини;

аҳоли пункти ҳудудларининг ривожланиши истиқболларини комплекс баҳолашни;

моддий маданий мерос объектларини ва яшил ҳудудларни сақлаш ҳамда уларни замонавий фойдаланиш мақсадлари учун мослаштиришни.

9. Ер ости маконларини зоналарга ажратишда моддий маданий мерос объектларининг ҳудудлари, шунингдек ер ости иншоотларини жойлаштириш учун мазкур ШНҚнинг 4-иловасида келтирилган талаблар ҳисобга олиниши лозим.

10. Аҳоли пунктининг ер ости маконларини режалаштириш тузилмаси ШНҚ 2.07.01-23 ва ШНҚ 2.07.02-24 га мувофиқ бўлиши ҳамда қуйидагилар таъминланиши лозим:

турли мақсадларга мўлжалланган ер ости иншоотларининг ўзаро боғланиши;

ер ости маконидан самарали фойдаланиш;

атроф-муҳитни, моддий маданий мерос объектларини сақлаш;

фуқаролар муҳофазаси иншоотларини жойлаштириш.

11. Ер ости иншоотларининг функционал мақсадларидан келиб чиқиб, ШНҚ 2.07.02-24 талабларини инобатга олган ҳолда лойиҳаланиши керак.

12. Аҳоли пунктлари ер ости маконларидаги иншоотлар мазкур ШНҚнинг 1, 2 ва 3-иловаларидаги талабларни ҳисобга олиб жойлаштирилиши лозим.

13. Ер ости маконларида жойлаштириладиган иншоотларнинг функционал ёнғин хавфлилик синфлари ШНҚ 2.01.02-04, ШНҚ 2.01.19-22, ШНҚ 2.04.09-21 ва ШНҚ 2.05.05-24 га мувофиқ бўлиши керак.

4-боб. Ер ости маконларининг турлари ва уни ташкил этиш

14. Ер ости маконлари чуқурлиги бўйича қуйидагиларга бўлинади:

саёз чуқурлаштирилган — 5 m гача;

ўртача чуқурлаштирилган — 5 дан 15 m гача;

кўп чуқурлаштирилган — 15 дан 30 m гача;

ўта чуқурлаштирилган — 30 m дан ортиқ.

15. Ер ости маконларида жойлаштириладиган иншоотларнинг функционал мақсадлари уларнинг ер остида жойлашиш чуқурлиги бўйича мазкур ШНҚнинг 1 ва 2-иловаларига мувофиқ бўлиши керак.

16. Ер ости иншоотлари ШНҚ 2.02.01-24 га мувофиқ грунтларнинг геотехник тоифаларидан келиб чиқиб лойиҳаланиши лозим.

17. Ер ости маконида жойлаштириладиган иншоотлар қуйидаги асосий гуруҳларга бўлинади:

маҳаллий (локал) — ер ости маконида алоҳида турувчи объектлар;

чизиқли — маълум узунликка эга бўлган иншоотлар ва уларнинг мажмуалари (сув, электр ва газ таъминоти, оқова сувларини олиб чиқиш тармоқлари, алоқа ва бошқа коммуникация тармоқлари, транспорт туннеллари);

ясси — бир текисликда жойлашган ер ости иншоотлари;

ҳажмли — маҳаллий иншоотларни умумий ер ости маконига бирлаштирувчи ва ер ости маконининг алоҳида қисмларини эгаллайдиган мажмуалар;

ер ости мажмуалари — умумий инфратузилмага эга бўлган, функционал жиҳатдан ўзаро боғланган ер ости иншоотларининг фазовий бирлашмалари.

18. Одамларнинг бўлиши муддатидан келиб чиқиб, ер ости иншоотлари қуйидаги тоифалар бўйича лойиҳаланиши, бунда одамларнинг:

иштирокисиз фойдаланиш учун;

қисқа муддат (1 h) давомида бўлиши учун;

ўртача муддат (1 — 3 h) давомида бўлиши учун;

узоқ муддат (3 h дан ортиқ) давомида бўлиши учун мўлжалланган объектлар.

19. Ўзаро функционал боғланган ёки боғланмаган ер ости иншоотлари техник-иқтисодий ҳисоблар асосида кўп функцияли ер ости мажмуаларига бирлаштирилиши керак.

20. Кўп функцияли ер ости мажмуалари ШНҚ 2.08.02-23 га мувофиқ жойлаштирилиши ва лойиҳаланиши керак.

21. Ер ости маконларини лойиҳалашда аҳоли пункти ҳудудининг тарихий-маданий хусусиятлари ва мавжуд моддий маданий мерос объектлари ҳисобга олиниши лозим.

22. Ер ости маконларида жойлаштириладиган иншоотлар ҳажмлари ва фойдаланиш мақсадлари ШНҚ 2.07.01-23 га мувофиқ бўлиши лозим.

Ер ости маконларидан фойдаланиш мақсадлари қуйидагилардан келиб чиқиб белгиланиши керак:

лойиҳаланаётган ер ости маконининг аҳоли пунктида жойлашуви, ҳудуд зоналарининг функционал мақсадлари;

ер устидаги мавжуд қурилмаларнинг хусусияти (зичлиги, эскириш даражаси, меъморий-бадиий ва маданий-тарихий қиймати);

археологик ва бошқа чекловларнинг мавжудлиги;

транспорт, муҳандислик ва ижтимоий инфратузилмаси билан таъминланиш даражаси;

табиий-иқлимий, муҳандислик-геология ва гидрогеология шароитлари.

23. Турар жой зоналаридаги ер ости маконлари мавжуд бинолар остида ҳамда қурилишдан ҳоли ҳудудларда, турар жой ва жамоат биноларининг ер ости қисмлари ва алоҳида турувчи иншоотларини жойлаштириш учун фойдаланилиши керак.

Ҳисоб-китобларда турар жой мавзе (даҳа)ларининг ер ости иншоотлари майдони 0,6 m^2/киши ҳисобидан қабул қилиниши керак.

24. Аҳоли пунктининг қурилган қисмларида ҳамда алоҳида турувчи бинолар остидаги мавжуд ер ости иншоотларини уларнинг чуқурлиги ва ўлчамларини ошириш йўли билан қайта мослаштириш, бунда ер остида жойлашган муҳандислик тармоқлари ва жиҳозларни алмаштириш ҳамда таъмирлаш имкониятлари бўлиши лозим.

25. Турар жой зоналарини қуриш ёки реконструкция қилишда турар жой объектлари гуруҳлари остида қуйидаги иншоотларни жойлаштирган ҳолда ягона ер ости маконини шакллантириш лозим:

ер ости автотураргоҳлари ва гаражлар;

автомобиллар ва жамоат транспортига ўтиш йўллари;

кириш йўллари, юкларни тушириш жойлари ва омборхоналар;

савдо, маиший хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш объектлари;

муҳандислик-техник иншоотлар, шу жумладан трансформатор подстанциялари, муҳандислик тармоқлари, марказлашган чиқиндиларни йиғиш иншоотлари;

маъмурий муассасаларнинг архивлари ва инвентарларни сақлаш жойлари;

тиббиёт ташкилотларининг тиббий маҳсулотлари тушириш ва сақлаш жойлари;

фуқаролик муҳофазаси ҳимоя иншоотлари.

26. Ишлаб чиқариш зоналарининг ер ости маконларида ишлаб чиқаришда технологик жараёнлар автоматлаштирилган, атроф-муҳитдан ажралган ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг мавжудлигини талаб қилмайдиган ёки уларнинг қисқа муддат давомида бўлишини талаб қиладиган объектлар жойлаштирилиши керак.

27. Ишлаб чиқариш зоналарида ер ости маконлари қуйидагилар орқали ўзлаштирилиши керак:

автоматлаштирилган ишлаб чиқариш объектларини, ёрдамчи хона ва омборларни ер ости маконига кўчириш орқали;

алоҳида объектларни бир-бирига қўшиш асосида ҳажмли ер ости иншоотларини яратиш орқали;

хомашё ва тайёр маҳсулотни етказиб бериш объектларини ташкил этиш орқали.

28. Ишлаб чиқариш ва коммунал-омборхона зоналарида ер ости маконидан фойдаланиш саноат хавфсизлиги талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Ер ости омборлари ва сақлаш жойларининг ҳажмлари ШНҚ 2.09.02-23, ШНҚ 2.09.03-23 ва ШНҚ 2.09.19-22 га мувофиқ бўлиши лозим.

29. Йўловчиларни ташиш транспортининг йирик бекатлари остидаги ер ости маконларида ер ости мажмуалари кўринишида вокзаллар, бир транспортдан бошқасига ўтиш тугунлари ва автотураргоҳлар жойлаштирилиши керак.

30. Рекреация зоналарининг ер ости маконларида транспорт инфратузилмасининг туннеллари, енгил автомобиллар учун автотураргоҳлар, алоҳида турувчи иншоотлар кўринишидаги кичик хизмат кўрсатувчи жамоат объектлари жойлаштирилиши лозим.

5-боб. Ер ости маконлари ва иншоотларига қўйиладиган талаблар

1-§. Асосий талаблар

31. Ер ости маконини лойиҳалашда ундан фойдаланиш мақсадлари ва ҳажмлари аҳоли пункти бош режаси, мавжуд моддий маданий мерос объектлари, транспорт инфратузилмаси, ҳудуднинг табиий-иқлимий ва муҳандислик-геология шароитлари мураккаблигидан ҳисобга олиниши керак.

32. Кўп функцияли ер ости маконларни шакллантиришда аҳоли пункти муҳитини ихчам ташкил этиш учун қуйидагилар амалга оширилиши зарур:

ер ости маконини аҳоли зич жойлашган марказлар (жамоат марказлари, кўп функцияли мажмуалар, транспорт тугунлари, метро станциялари, йирик савдо ва кўнгилочар марказлари) яқинида жойлаштириш;

ер ости маконлари тизими билан бирлаштирилган кўп функцияли ва ихтисослашган зоналар, маданий ҳордиқ чиқариш ва туризм йўналишидаги мажмуалар тармоғини шакллантириш;

ер ости қурилиш объектларини кўп даражали (қаватли) функционал зоналаштириш.

2-§. Кўп функцияли ер ости маконларининг иншоотлари

33. Кўп функцияли ер ости маконининг таркибига савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари, маданият ва дам олиш масканлари, спорт иншоотлари, пиёдалар ва транспорт тизимлари, вокзаллар, шаҳар атрофи транспорти ва метрополитен станциялари, автотранспорт туннеллари, гаражлар, автотураргоҳлар, муҳандислик инфратузилма объектлари, фуқаро муҳофазаси талабларини ҳисобга олиб лойиҳаланган бошқа иншоотлар киритилишига йўл қўйилади.

34. Темир йўл вокзалларининг перронларини метро станциялари, савдо марказлари, жамоат транспорти бекатлари ва автотураргоҳлар билан боғлайдиган ер ости пиёдалар зонасини барпо этиш орқали, таркибида бир транспорт туридан бошқасига ўтиш тугунлари бўлган кўп функцияли ер ости маконларини лойиҳалаш лозим.

Бунда, пиёдалар учун туннеллар, темир йўл вокзалларининг ер ости йўлаклари ва метро станцияларининг ер ости вестибюллари ўзаро бирлаштирилиши зарур.

35. Метро станциялари негизида ташкил этиладиган кўп функцияли мажмуалар таркибига транспорт тугунларининг бир қисми сифатида ер ости маконида чакана савдо ва умумий овқатланиш объектлари, автотураргоҳлар ва уларнинг метро станциялари билан пиёдалар алоқалари киритилиши керак.

36. Ер усти ва ер ости кўп функцияли мажмуаларнинг ер ости қисмида қисқа муддатли ташрифлар ва (ёки) ходимларнинг доимий иштирокисиз фойдаланиши мумкин бўлган омборлар, юк тушириш жойлари, автотураргоҳлар ва уларга кириш йўлаклари, гардероблар, техник хоналарни жойлаштириш лозим.

37. Кўп функцияли ер ости маконининг тақсимоти қуйидагича бўлиши керак:

70 фоиз — биноларнинг хоналари;

30 фоиз — автотураргоҳ.

38. Кўп функцияли ер ости маконлари, иншоотлари ва мажмуалари ШНҚ 2.07.01-23, ШНҚ 2.08.02-23 ва ШНҚ 2.08.21-24 га мувофиқ лойиҳалаштирилиши керак.

3-§. Транспорт ва муҳандислик-техник мақсадлар учун ер ости иншоотлари

39. Транспорт инфратузилмасининг ер ости иншоотлари автомобиль ва рельсли транспорт воситаларининг ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган бўлиши лозим.

40. Транспорт инфратузилмасининг ер ости иншоотлари аҳоли пунктларининг марказий қисмида, қурилиши зич бўлган ҳудудларда, муҳофаза зоналарда, транспортнинг жадал ҳаракатланиш йўналишларида ва сув оқимлари билан кесишиш жойларида, мураккаб топографик шароитларда жойлаштирилиши лозим.

41. Автотранспорт туннелларининг техник ечимларини аниқлашда қуйидагилар инобатга олиниши керак:

туннель қурилишининг мақсадга мувофиқлиги;

сув тўсиқларини кесиб ўтиш зарурати ёки рельефнинг сезиларли ўзгариши;

туннелларда қарама-қарши ҳаракатни тўлиқ ажратилишини таъминлаш.

42. Автомобиль ва темир йўл туннеллари учун лойиҳавий ечимлар ШНҚ 2.05.05-24 ҳамда ГОСТ 24451-80 талабларига мувофиқ қабул қилиниши керак.

43. Ер ости пиёдалар ўтиш жойлари ШНҚ 2.05.05-24, ШНҚ 2.07.01-23, ШНҚ 2.07.06-24, O‘z DSt 3644:2023 ҳамда ГОСТ 24451-80 мувофиқ лойиҳаланиши лозим.

44. Транспорт ва кўча-йўл тармоғининг ер ости иншоотлари ШНҚ 2.05.02-23, ШНҚ 2.05.03-22, ШНҚ 2.05.04-21, ШНҚ 2.05.05-24, ГОСТ 24451-80, ГОСТ 33152-2014, O‘z DSt 3644:2023 талабларига мувофиқ лойиҳаланиши керак.

45. Ер ости маконида муҳандислик таъминоти тармоқлари ва иншоотларни ШНҚ 2.04.02-19, ШНҚ 2.04.03-24, ШНҚ 2.04.07-22, ШНҚ 2.04.08-22, ШНҚ 2.05.06-22, ШНҚ 2.05.12-22 ва ШНҚ 2.07.01-23 талабларига мувофиқ лойиҳаланиши лозим.

4-§. Автотураргоҳлар ва гаражлар

46. Енгил автотранспорт воситаларини сақлаш жойларини ер ости маконида, уларнинг эгалари яшаш жойларидан пиёда етиб олиш учун қулай бўлган масофада 500 m доирасида жойлаштириш лозим.

47. Турар жой зоналари учун кўп қаватли биноларнинг ярим ертўла ва ер ости (ертўла) қаватларида қўшиб қурилган, шунингдек ҳовлилар, майдончалар, боғ ва бульварлар остидаги чуқурлаштирилган гараж ва автотураргоҳлар лойиҳаланиши керак.

Аҳоли пунктининг марказий қисмида ер ости автотураргоҳлар реконструкция қилинадиган бинолар, йўл тармоқлари, боғлар, дарё, канал ва бошқа сув ҳавзаларининг акваториялари остида жойлаштирилиши керак.

48. Ер ости гаражларини турар жой ва жамоат биноларига ер остидан ўтиш йўлаклари орқали бевосита боғланган ҳолда лойиҳалаш керак.

49. Ер ости гаражлари ва автотураргоҳлар ШНҚ 2.07.01-23 ва ШНҚ 2.05.07-24 га мувофиқ лойиҳаланиши керак.

5-§. Метрополитен иншоотлари

50. Метрополитенни узоқ муддатга ривожлантириш схемаси ер усти ва ер ости транспорт тизимининг ўзак ўқи сифатида лойиҳаланиши ҳамда аҳоли пунктларнинг бош режаларида ва режалаштириш лойиҳаларида бўлиши, бунда уларнинг таркибига жамоат ва йўловчи ташиш транспорти йўналишлари, ер ости маконлари ва коммуникация тизимлари, янги метрополитен трассалари йўналишлари, станциялари ва вестибюллари жойлашуви киритилиши лозим.

51. Метро станцияларини бир транспорт туридан бошқасига ўтиш тугунлари, йирик кўп функцияли мажмуалар, кўнгилочар ва спорт иншоотлари ҳамда аҳоли зич жойлашган марказлар таркибида жойлаштириш керак.

52. Метрополитен иншоотлари транспорт ва пиёдалар оқимлари катта бўлган жойларда жойлаштирилиши, автотураргоҳлар ва гаражлар, шунингдек темир йўл ва автовокзаллар ҳамда ташқи (магистраль ва шаҳар атрофи) йўловчи ташиш транспортининг бошқа тузилмалари билан ўзаро боғланиши керак.

53. Метрополитеннинг ер ости маконида, шунингдек туннеллар, станциялар ва вестибюллар билан бир мажмуада жойлаштириладиган асосий ҳамда ёрдамчи иншоотлар ушбу ШНҚнинг 2-иловасига мувофиқ белгиланиши керак.

54. Топографик, шаҳарсозлик ва муҳандислик-геология шароитлари ҳамда ҳажмий-режавий ечимларига кўра, ер ости ер ости иншоотларини метрополитен линиялари йўналиши бўйлаб, туннеллар устида ва ёнида, вестибюллар билан бир мажмуада, кўп қаватли кўп функцияли ер ости мажмуалари таркибида жойлаштиришга йўл қўйилади.

55. Метрополитен иншоотларининг конструктив ва ҳажмий-режавий ечимлари ШНҚ 2.05.04-21 га мувофиқ бўлиши керак.

6-боб. Шаҳарсозлик ва лойиҳа-смета ҳужжатларига қўйиладиган талаблар

1-§. Шаҳарсозлик ҳужжатлари

56. Аҳоли пунктларнинг бош режалари таркибида ер ости маконида иншоотларни жойлаштириш, шакллантириш ва ўзаро боғлаш бўйича лойиҳа ечимлар кўрсатилиши керак.

57. Йирик ва энг йирик шаҳарларнинг бош режалари таркибига «Ер ости маконини комплекс ривожлантириш» бўлимлари киритилиши лозим.

Ушбу бўлимга ер ости маконини ташкил этиш ва ундан фойдаланиш бўйича умумий тарҳлар, ер ости маконини ўзлаштириш бўйича лойиҳа ечимлари ва чизмалар киритилиши керак.

58. Аҳоли пунктларининг асосий функционал зоналарида ер ости маконидан фойдаланиш мақсадлари мазкур ШНҚнинг 3-иловасига мувофиқ қабул қилиниши, бунда иншоотларни жойлаштиришда 4-иловада келтирилган хавфсизлик ва техник зоналари ҳисобга олиниши лозим.

59. Аҳоли пунктларининг функционал зоналари ҳудудларида ер ости маконларининг функционал таркиби мазкур ШНҚнинг 3-иловасига мувофиқ қабул қилиниши керак.

Функционал зоналари ҳудудларида кўп функцияли ер ости маконлари ҳудудларни жойлаштириш шартлари мазкур ШНҚнинг 5 ва 6-иловаларига мувофиқ бўлиши лозим.

60. Аҳоли пунктлари учун шаҳарсозлик ҳужжатлари ШНҚ 1.03.02-23, ШНҚ 2.07.01-23 ҳамда ШНҚ 2.07.06-24 га мувофиқ ишлаб чиқилиши керак.

2-§. Ер ости иншоотларини қуриш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари

61. Ер ости иншоотларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари техник-иқтисодий баҳолаш натижалари асосида амалга оширилиши лозим.

62. Ер ости иншоотларининг меъморий-режавий ечимлари қурилиш (реконструкция қилиш) майдонида ҳамда унга туташ ҳудудларда муҳандислик-геология ва гидрогеология шароитларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилиниши керак.

Меъморий-режавий ечимлар ушбу иншоотларни қуришда қўлланиш мумкин бўлган қурилиш технологиялари ва технологик ускуналарни ҳисобга олган ҳолда қабул қилиниши керак.

63. Ер ости маконида жойлашадиган турли мақсаддаги иншоотларни лойиҳалашда қуйидаги шартлар ҳисобга олиниши лозим:

иншоотнинг фойдаланиш мақсади, ҳажмий-режавий ечимлари;

иншоот конструкцияларига тушадиган юкламалар;

қурилиш майдончасининг муҳандислик-геология ва гидрогеология шароитлари;

қурилиш технологиялари ва технологик ускуналар;

мавжуд ер усти қурилишлари шароитлари ва унга ер ости қурилишининг таъсири;

ер ости иншоотининг мавжуд ер ости иншоотларига ўзаро таъсири;

ер ости иншоотининг атроф-муҳитга таъсири.

64. Ер ости маконида жойлаштириладиган иншоот учун лойиҳа ҳужжатларининг таркиби объектнинг ҳажмли-фазовий ечимига кўра ШНҚ 1.03.03-23 га мувофиқ белгиланиши керак.

3-§. Ер ости маконлари ва иншоотларини лойиҳалаш учун муҳандислик-техник изланишлар

65. Ер ости маконларини режалаштириш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун муҳандислик-техник изланишларини бажариш дастурларини тузишда иншоотларнинг ер усти ва ер ости қисмларини ҳудудлари, уларни қуриш усулларни (очиқ ёки ёпиқ усулда) ҳамда қуриш босқичлари ҳисобга олиниши лозим.

66. Очиқ усулда қуриладиган ер ости иншоотларини ёки уларнинг қисмларини лойиҳалаш учун муҳандислик-техник изланишлари ШНҚ 1.03.02-23 га мувофиқ амалга оширилиши керак.

67. Ер ости маконларини режалаштириш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун муҳандислик-техник изланишлари ШНҚ 1.02.07-19, ШНҚ 1.02.08-19, ШНҚ 1.02.09-21, ШНҚ 2.01.03-19, ШНҚ 2.02.01-24, ШНҚ 2.04.02-19, ШНҚ 2.04.03-24, ШНҚ 2.04.07-22, ШНҚ 2.04.08-22, ГОСТ 30416-2020 ҳамда ГОСТ 30672-2019 талабларига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

7-боб. Ер ости маконларини ўзлаштириш

68. Ер ости маконларини ўзлаштириш бўйича техник ечимлар уларни қурилиш технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш имкониятини ҳисобга олган ҳолда қабул қилиниши керак.

69. Ер ости иншоотларини қуриш технологияларини қабул қилишда ушбу ШНҚнинг 7-иловаси ҳамда қуйидаги талаблар инобатга олиниши керак:

иншоотнинг ўлчамлари, чуқурликда жойлашуви, ҳажмий-режавий ва конструктив ечимлари;

геотехник муҳит ҳамда муҳандислик-геология ва гидрогеология шароитлари;

топографик ва шаҳарсозлик шароитлари, ер ости иншоотининг жойлашуви;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларига риоя қилиш;

қўлланилиши мумкин бўлган технологияларни техник-иқтисодий таққослаш.

70. Ер ости иншоотларини лойиҳалашда бундай иншоотларни қурилиш технологиялари ҳамда қуйидаги технологик усуллардан бири танлаб олиниши лозим:

очиқ усул (доимий ёки вақтинча бўш ҳудудда, шунингдек қурилиши зич бўлган ҳудудларда 30 m гача чуқурликда жойлаштириладиган ер ости иншоотларини қуриш учун);

ёпиқ усул (ер юзини очмасдан туриб, 2 m дан (муҳандислик тармоқлари учун) 80 m гача ва ундан ортиқ (метрополитенлар, туннеллар) чуқурликда жойлаштириладиган ер ости иншоотларини қуриш учун фойдаланилади);

ярим ёпиқ усул (қурилиши зич бўлган ҳудудларда ҳамда ер ости иншооти устида бўш ҳудуд бўлмаган шароитда, шунингдек мавжуд транспорт тизимларида ҳаракатни тўхтатмаган

ҳолда уларнинг тагидан транспорт туннеллари қурилиши ташкил этилганда, 30 m гача чуқурликда жойлаштириладиган ер ости иншоотларини қуриш учун фойдаланилади);

махсус усул (қурилиш ва қазиш ишлари мураккаб гидрогеология ва муҳандислик-геология шароитларида олиб борилганда, мавжуд бинолар остида, транспорт инфратузилмаси объектларини ёки сув ҳавзаларини (дарё, канал) кесиб ўтишда тупроқ массивини доимий ёки вақтинча барқарорлаш усулларини қўллаган ҳолда ер ости маконини ўзлаштириш учун фойдаланилади).

71. Ер ости иншоотларини ер ости сувларидан ҳимоя қилиниши бўйича техник ечимлар ШНҚ 2.02.01-24 ва ШНҚ 2.03.11-24 га мувофиқ қабул қилиниши керак.

Ер ости макони бир ёки бир нечта сув қатлами билан қопланган бўлса, ҳудуднинг гидрогеология режими сақланишини таъминлайдиган дренаж тизими лойиҳаланиши ва ер ости иншоотларининг гидроизоляцияси чоралари кўзда тутилиши лозим.

72. Ер ости иншоотлари қурилишида ускуналар, механизмлардан, шунингдек умумқурилиш ва ер ости шароитлари учун мўлжалланган материаллардан фойдаланиш лозим.

73. Қурилишлари мавжуд бўлган ҳудудларда ер ости иншоотларини лойиҳалашда қурилишнинг грунт массасида ҳосил бўладиган кучланиш-деформацияси ҳолатига ҳамда мавжуд бино ва иншоотларнинг деформациясига, геотехник муҳит ва унинг таркибий қисмларига таъсири ШНҚ 2.02.01-24 га мувофиқ аниқланиши керак.

Ушбу таъсирлар йўл қўйиб бўлмайдиган даражада прогноз қилинса, ШНҚ 2.02.01-24 га мувофиқ ҳимоя чоралари кўрилиши лозим.

8-боб. Ер ости иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш жараёнида геотехник мониторинг

74. Ер ости иншоот (объект)ларини қуриш, улардан фойдаланиш, реконструкция қилиш жараёнида геотехник мониторинг ва даврий текширишлар ШНҚ 1.04.01-23, ГОСТ 31937-2011 ва ГОСТ 24846-2012 га мувофиқ амалга оширилиши керак.

75. Қуриш ва реконструкция қилиш жараёнида ер ости иншоотларининг ҳолатлари, улар атрофидаги бинолар ва табиий муҳит ҳолатининг геотехник мониторинги натижаларига кўра лойиҳа ечимларига тузатишлар киритиб борилиши лозим.

ШНҚ 2.07.07-24 «Ер ости маконлари»
шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
1-ИЛОВА

Ер ости макони сатҳларининг функционал мақсадлари

Т/р	Ер ости маконидан фойдаланиш тури	Ер ости маконининг чуқурлигига кўра даражалар			
		чуқурлаштирилганлиги			
		саёз	ўртача	кўп	ўта
А. Муҳандислик ускуналари тармоқлари ва иншоотлари					
1.	Муҳандислик тармоқлари ва одам ўтиши мумкин бўлган коллекторлар (ушбу ШНҚнинг 2-иловаси 1-жадвали 7, 11, 12, 15 — 19, 21 — 29, 41 — 47 ва 49-позициялари)	•	•	•	•
2.	Сунъий сув оқимлари (ушбу ШНҚнинг 2-иловаси 1-жадвали 22 — 25-позициялари)	•	•		
Б. Транспорт инфратузилмаси иншоотлари					
3.	Ер ости ўтиш жойлари (ушбу ШНҚнинг 2-иловаси 1-жадвали 13 — 20 позициялари)	•			
4.	Автотураргоҳлар ва гаражлар (ушбу ШНҚнинг 2-иловаси 1-жадвали 12, 13 — 20-позициялари)	•	•		
5.	Автомобиль транспорти туннеллари ва иншоотлари (ушбу ШНҚнинг 2-иловаси 1-жадвали 13 — 15 ва 20-позициялари)	•	•	•	
6.	Темир йўл транспорти туннеллари ва иншоотлари ушбу ШНҚнинг 2-иловаси 1-жадвали 17 ва 18-позициялари)	•	•		
7.	Метрополитен туннеллари ва иншоотлари (ушбу ШНҚнинг 2-иловаси 1-жадвали 17-позициялари)	•	•	•	•
8.	Бир транспортдан бошқасига ўтиш тугунлари (ушбу ШНҚнинг 2-иловаси 1-жадвали 13 ва 17-позициялари)	•	•		
В. Кўп функцияли объектлар					
9.	Жамоат биноларининг хоналари (ушбу ШНҚнинг 2-иловаси 1-жадвали 1 — 11-позициялари)	•	•		
Г. Омборхоналар					
10.	Омборлар ва сақлаш жойлари, резервуар, автомобилларга ёқилғи қуйиш ва газ тўлдириш шохобчалари, автомобилларни ювиш жойлари (ҳамда ушбу ШНҚнинг 2-иловаси 1-жадвали 37 — 40-позициялари)	•	•	•	•
Д. Саноат ва энергетика объектлари					
11.	Саноат ва энергетика соҳалари иншоотлари (ушбу ШНҚнинг 2-иловаси 1-жадвали 30 — 36, 71 — 47-позициялари)	•	•	•	•
Е. Бошқа иншоотлар					
12.	Махсус иншоотлар (ушбу ШНҚнинг 2-иловаси 1-жадвали 48 — 49 позициялари)	•	•	•	•

ШНҚ 2.07.07-24 «Ер ости маконлари»
шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
2-ИЛОВА

Ер ости маконида жойлаштиришга йўл қўйилган фойдаланиш турлари

Ер ости маконида жойлаштиришга йўл қўйилган объектлардан фойдаланиш турлари бўйича гуруҳлар

1-жадвал

Т/р	Жойлаштириладиган объектлар турлари
	А. Жамоат биноларининг хоналари
1.	Маъмурий-бошқарув муассасалари, жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари
2.	Банк-молия муассасалари ва ташкилотларининг омборлари ва сақлаш жойлари
3.	Муассасалар, корхоналар, оммавий ахборот воситалари ва матбуот ташкилотлари фаолиятини таъминловчи хоналар ва техник қурилмалар
4.	Томоша, кўнгилочар ва дам олиш масканлари
5.	Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларининг чакана савдоси учун хоналар
6.	Тиббий лабораториялар, суд-тиббий экспертиза муассасалари ва ташкилотлари
7.	Стадионлар ва ёпиқ спорт иншоотлари (заллар, ареналар, бассейнлар ва шу кабилар)нинг муҳандислик тизимларини жойлаштириш учун хоналар ва зоналар
8.	Очиқ ясси иншоотларнинг муҳандислик тизимларини жойлаштириш учун хоналар ва зоналар
9.	Жисмоний тарбия ва соғломлаштириш мажмуаларининг муҳандислик тизимларини жойлаштириш учун хоналар ва зоналар
10.	Маданий-маърифий мақсадлардаги бинолар ва диний ташкилотларнинг муҳандислик тизимларини жойлаштириш учун хоналар ва зоналар
11.	Ихтисослашган боғларнинг (ҳайвонот боғлари, ботаника боғлари ва шу кабилар) омборхоналари ва ёрдамчи объектларини жойлаштириш учун хоналар ва зоналар
	Б. Турар жой объектлари хоналари
12.	Бир хонали (якка тартибдаги) уйларнинг муҳандислик жиҳозларини жойлаштириш учун ва ёрдамчи хоналар, шунингдек шахсий ёрдамчи хўжалик хоналари, блокировка қилинган турар жойлари, кўп квартирали турар жой объектларининг жамоат мақсадлари учун нотурар хоналари, муҳандислик жиҳозларини жойлаштириш зоналари
	В. Транспорт бино ва иншоотларининг хоналари
13.	Йўловчи терминаллари, темир йўл ва автобус вокзаллари, причаллар, станциялар, бекатлар, юқори тезликдаги кўчадан ташқари транспорт, бир транспортдан бошқасига ўтиш тугунлари, ер усти жамоат транспортини бошқариш диспетчерлик пунктлари, ҳаракат хавфсизлигини назорат қилиш пунктларининг хоналари (техник ва ёрдамчи хоналар) ҳамда муҳандислик тизимларини жойлаштириш зоналари
14.	Автотураргоҳлар, бокс кўринишидаги автотранспорт воситаларини сақлаш жойлари
15.	Ер ости гаражларининг муҳандислик тизимларини жойлаштириш учун хоналар ва зоналар
16.	Аэропортлар, аэродромларнинг муҳандислик тизимларини жойлаштириш учун техник ва ёрдамчи хоналар, шунингдек ҳаво транспорти эксплуатацияси билан боғлиқ хоналар (техник ва ёрдамчи хоналар) ҳамда муҳандислик тизимларини жойлаштириш зоналари
17.	Темир йўл ва кўчадан ташқари транспортларнинг чизиқли объектлари, охирги станциялар, тортиш подстанциялари, шунингдек темир йўллар ва кўчадан ташқари транспорт тизимлари эксплуатацияси билан боғлиқ хоналар (техник ва ёрдамчи хоналар) ҳамда муҳандислик тизимларини жойлаштириш зоналари

18.	Темир йўл транспортининг техник инфратузилмаси, юк ва саралаш станциялари хоналари (шу жумладан, техник хоналар) ҳамда муҳандислик тизимларини жойлаштириш зоналари
19.	Дарё портлари, дарё станциялари, причаллар, пристанлар, гидротехника иншоотлари ва сув транспорти эксплуатацияси билан боғлиқ хоналар (техник ва ёрдамчи хоналар) ҳамда муҳандислик тизимларини жойлаштириш зоналари
20.	Автомобиль парклари ва транспорт воситаларининг деполари
	Г. Коммунал-маиший хизмат биноларининг хоналари
21.	Жамоат ва хусусий транспорт воситаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш корхоналари
22.	Сув таъминоти станциялари, ишлаб чиқаришнинг сув таъминоти ҳамда умумшаҳар сув олиш иншоотлари учун хоналар ва техник қурилмалар
23.	Сув таъминоти бошқарув узеллари, насос станциялари, сув олиш узеллари учун хоналар ва техник қурилмалар
24.	Оқова сувларни тозалаш иншоотлари, насос станциялари ва резервуарлари учун хоналар ҳамда техник қурилмалар
25.	Ер усти сувларини тозалаш иншоотлари ҳамда биологик тозалаш иншоотлари учун хоналар ва техник зоналар
26.	Дафн маросимлари учун бинолар ва иншоотларнинг хоналари ва техник зонаси
27.	Автоматлаштирилган телефон станциялари ва коммутациялаш биноларининг хоналари ва техник қурилмалари
28.	Автомобиль йўлларини таъмирлаш хизматларининг хоналари
29.	Жамоат ҳожатхоналарининг хоналари ва техник қурилмалари
	Д. Саноат (ишлаб чиқариш) корхоналарининг хоналари
30.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва қадоқлаш корхоналарининг хоналари
31.	Ишлаб чиқариш ва маиший чиқиндиларни қайта ишлаш корхоналарининг хоналари
32.	Маиший техника ва жиҳозларни таъмирлаш корхоналарининг хоналари
33.	Кийим-кечак, пойабзал ва бошқа буюмларни ишлаб чиқариш ва таъмирлаш корхоналари учун хоналар
34.	I хавфлилик тоифасидаги ишлаб чиқариш корхоналари
35.	II ва III хавфлилик тоифасидаги ишлаб чиқариш корхоналари
36.	IV ва V хавфлилик тоифасидаги ишлаб чиқариш корхоналари
	Е. Омборларнинг хоналари
37.	Омборхоналар
38.	Улгуржи савдо корхоналарининг хоналари
39.	Чиқиндиларни ташиш, зичлаш ва саралаш станциялари
40.	Автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари, газ тўлдириш станциялари, автомобилларни ювиш корхоналари
	Ж. Энергетика объектларининг хоналари
41.	Иссиқлик электр станциялари, гидро-электр станциялари, 200 Gcal/h ва ундан юқори қувватга эга туман иссиқлик станциялари, иссиқлик энергия станциялари, (очиқ) электр подстанцияларининг хоналари, бино қисмлари ва техник йўлак (коридор)лари
42.	200 Gcal/h гача бўлган туман трансформатор станцияларининг (ёпиқ) электр подстанция, иссиқлик насос станциялари биноларининг хоналари ва техник йўлак (коридор)лари
43.	Ҳаво ва кабель электр узатиш линияларининг ўтиш жойларида муҳандислик тизимларини жойлаштириш учун хоналар ва зоналар
44.	Юқори босимли (P = 5,5 МРа) газ қувурларида назорат-тақсимлаш пунктлари, юқори босимли (P= 1,2 МРа) газ қувурларида газ тақсимлаш станциялари ва газ тақсимлаш

	пунктлари, газ оқимини ҳисоблаш узелларининг хоналари ва техник йўлак (коридор)лари
45.	Кичик иссиқлик энергияси станцияларининг хоналари, бино қисмлари ва техник йўлак (коридор)лари
46.	Иссиқлик пункт (камера)лари — павильонлар, босими 1,2 МРа дан кам бўлган газ қувурларида газ тақсимлаш пунктлари, алоҳида артезиан қудуқлари, кичик оқова сувларни чиқариб юбориш насос станцияларининг муҳандислик тизимларини жойлаштириш учун хоналар ва зоналар
47.	Тортиш подстанцияларининг муҳандислик тизимларини жойлаштириш учун хоналар ва зоналар
	3. Махсус бино ва иншоотларнинг хоналари
48.	Махсус мақсадлар учун, шу жумладан фуқаро муҳофазаси объектларининг муҳандислик тизимларини жойлаштириш учун хоналар ва зоналар
49.	Ёнғин-қутқарув деполари (хизматлари, станциялари)

Тегишли асослар билан ер ости маконида жойлаштиришга йўл қўйилган объектларнинг турлари бўйича гуруҳлар

2-жадвал

Т/р	Жойлаштириладиган объектлар турлари
	1. Жамоат биноларининг хоналари
1.	Илмий ва тадқиқот марказларининг махсус хоналари
2.	Ижодий, лойиҳа, медиа ташкилотлари, инновация марказлари хоналари
3.	Молия-кредит ҳамда суғурта муассасалари ва ташкилотлари хоналари
4.	Кичик ва ўрта бизнес учун технопарклар, бизнес-инкубаторларнинг хоналари
5.	Умумий овқатланиш объектларининг хоналари
6.	Маиший хизмат кўрсатиш муассасалари ва ташкилотлари хоналари
7.	Туристларга хизмат кўрсатиш ташкилотлари (вақтинчалик яшаш учун мўлжалланган меҳмонхоналар бундан мустасно) хоналари
8.	Ётоқхоналарнинг махсус ва техник хоналари
9.	Санаторий-курорт муассасаларининг махсус ва техник хоналари
10.	Ветеринария лабораториялари, марказлари, маҳаллий ветеринария шифохоналари, ҳайвон сақланмайдиган ветеринария клиникаларининг хоналари
11.	Дорихоналар, тиббий буюмлар, оптика ва асбоб-ускуналар дўконлари
	2. Ишлаб чиқариш корхоналарининг хоналари
12.	Ўқув-ишлаб чиқариш ташкилотларининг хоналари
13.	Ўсимликчилик, кўчатчилик, иссиқхона, оранжерея ва боғ-парк хўжаликларининг хоналари

Ер ости маконида жойлаштиришга йўл қўйилмайдиган объектларнинг турлари бўйича гуруҳлар

3-жадвал

Т/р	Жойлаштириладиган объектлар турлари
	1. Жамоат биноларининг хоналари
1.	Пенсия таъминоти муассасалари ва ташкилотлари
2.	Офис хоналари, бир нечта функцияларга эга бизнес марказлари
3.	Профессионал, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ташкилотлари
4.	Маърифат ташкилотлари
5.	Вақтинчалик яшаш хоналари (меҳмонхона, ётоқхона, хостел, мотель ва бошқалар)
6.	Тиббиёт ташкилотлари (лаборатория хоналари бундан мустасно)
7.	Ижтимоий таъминот ва хизмат кўрсатиш муассасалари ва ташкилотлари

8.	Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари, ногиронлиги бўлган ва ҳаёт фаолияти чекланган шахслар ҳамда кексалар учун реабилитация муассасалари
9.	Уйсиз қолган фуқаролар учун ижтимоий ёрдам кўрсатиш муассасалари
10.	Вояга етмаган болалар учун ижтимоий реабилитация марказлари
11.	Мактабгача таълим ташкилотлари (махсус ва хўжалик хоналари бундан мустасно)
12.	Умумий ўрта таълим ташкилотлари (ўқув устахоналар, ўқув лабораториялар, махсус ва хўжалик хоналари бундан мустасно)
13.	Пансионатлар, болалар уйлари (махсус ва хўжалик хоналари бундан мустасно)
	2. Турар жой биноларининг хоналари
14.	Барча турдаги турар жой биноларининг яшаш хоналари

ШНҚ 2.07.07-24 «Ер ости маконлари»
шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
3-ИЛОВА

Аҳоли пунктларининг асосий функционал зоналарида жойлаштириладиган ер ости иншоотлари

Объектлар номи	Функционал зоналар			
	турар жой	ижтимоий-амалий	ишлаб чиқариш	рекреация
А. Жамоат биноларининг хоналари				
1. Томоша, кўнгилочар, дам олиш, жисмоний тарбия ва спорт мажмуалари				
Конференция заллари	+*	+	+	
Кўргазма ва концерт заллари	+*	+		+*
Ихтисослашган парклар (ҳайвонот боғлари, ботаника боғлари)	+	+		+
Кинотеатрлар, театрлар, цирклар	+*	+		+*
Диний ташкилотлар	+	+		+*
Спорт заллари, сузиш бассейнлари	+	+	+	+
Конькида учиш учун сунъий музламалар	+	+		+
Архивлар ва депозитарийлар	+	+	+	
Банклар, молия ва суғурта ташкилотлари	+	+		
2. Савдо ва умумий овқатланиш объектлари				
Савдо марказлари	+	+	+	
Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари чакана савдоси объектлари	+	+	+	+
Умумий овқатланиш объектлари (шу жумладан кафе ва ресторанлар)	+	+	+	+
3. Коммунал-маиший хизматлари объектлари				
Таъмирлаш устахонаси, кимёвий тозалаш, кир ювиш	+	+		
Ҳаммомлар	+	+		
Почта, телеграф	+	+		
Полиграфия, нашриёт ва ахборот ташкилотлари	+	+		
Тиббий лабораториялар, санитария-эпидемиология осойишталик ва жамоат саломатлиги ташкилотлари, суд-тиббий экспертиза муассасалари	+	+		
Жамоат ва хусусий автомашиналарга сервис хизматлари	+	+	+	
Жамоат ҳожатхоналари		+		+
Б. Транспорт инфратузилмаси иншоотлари				
Автотранспорт ва пиёдалар учун туннеллар	+	+	+	+
Рельсли транспортнинг ер ости қисмлари — метрополитен	+	+	+	+
Автотураргоҳлар ва гаражлар	+	+	+	+
Автобус ва темир йўл станциялари вокзалларининг хоналари		+		
Темир йўл транспортининг чизиқли объектларининг хоналари	+	+	+	+

В. Омбор хўжалигининг хоналари				
Озиқ-овқат ва саноат моллари омборлари	+	+	+	
Сабзавот сақлаш жойлари, музлатгичлар			+	
Суюқлик ва газлар учун резервуарлар			+	
Ёқилғи-мойлаш материаллари омборлари			+	
Автомобилларга ёқилғи қуйиш ва газ тўлдириш шохобчалари, автомобилларни ювиш	+	+	+	
Чиқиндиларни юклаш-тушириш, зичлаш ва саралаш станциялари			+	
Г. Саноат (ишлаб чиқариш) ва энергетика объектлари				
Қуввати 200 Gcal/h дан юқори бўлган электр подстанциялари, шунингдек иссиқлик электр марказлари, гидро-электр станциялари, туман трансформатор станциялари, иссиқлик энергия станциялари			+	
Юқори босимли (P = 5,5 MPa) газ қувурларда назорат-тарқатиш пунктлари, юқори босимли (P = 1,2 MPa) газ қувурларда газ тақсимлаш станциялари, газ тақсимлаш пунктлари ва газ сарфини ҳисоблаш узеллари			+	
Резервуарлар ва насос станциялари, алоҳида артезиан қудуқлари учун техник қурилмалар, кичик канализация иншоотлари	+	+	+	
Иссиқлик пунктлари	+	+	+	+
Марказий ва туман иситиш пунктлари	+	+	+	
Қозонхоналар	+	+	+	
Автоматлаштирилган телефон станциялари	+	+	+	
Д. Муҳандислик таъминоти тармоқлари ва иншоотлари				
Қувурлар	+	+	+	+
Умумий муҳандислик тармоқлари коллекторлари	+	+	+	+
Сунъий ер ости сув оқимлари	+	+	+	+

Изоҳ: Ушбу жадвалда қўлланилган белгилар:
«+» — ер ости иншоотини жойлаштиришга йўл қўйилади;
+ — ер ости иншоотини тегишли асослар билан жойлаштиришга йўл қўйилади.*

ШНҚ 2.07.07-24 «Ер ости маконлари»
шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
4-ИЛОВА

Иншоотларнинг ер ости маконида жойлаштириш бўйича хавфсизлик ва техник зоналар белгиланиши

1. Ер ости иншоотлари ва муҳандислик тармоқларини лойиҳалаш ҳамда мавжуд бинолар билан бир-бирига нисбатан жойлашуви бўйича лойиҳавий ечимларни танлашда ШНҚ 2.04.02-19, ШНҚ 2.04.03-24, ШНҚ 2.04.07-22, ШНҚ 2.04.08-22, ШНҚ 2.05.03-22, ШНҚ 2.05.04-21, ШНҚ 2.05.05-24, ШНҚ 2.07.01-23 да белгиланган чекловлар ҳисобга олиниши лозим.

2. Қуриладиган ер ости иншоотлари учун хавфсизлик ва техник зоналари белгиланиши керак.

3. Хавфсизлик зоналари кенглиги ер ости иншоотининг функционал мақсади ва чуқурлигига қараб лойиҳа ҳужжатларида, ушбу зонанинг кенглиги эса ер ости иншоотини ташқи контурининг ер юзасидаги проекциясидан (метрда) белгиланиши керак.

4. Хавфсизлик зонаси ер ости иншоотининг жойлашиш чуқурлигига қараб қуйидагича белгиланиши керак:

очиқ чуқурларда қуриладиган иншоотлар учун — энг чуқур бўлган пойдевор ёки қозиқли пойдевор тубидан 10 m пастда;

ёпиқ усулда қуриладиган иншоотлар учун — иншоотнинг ташқи контуридан 5 m юқорида ёки пастда.

5. Техник зона чегаралари ер ости иншоотлари ҳамда уларнинг ҳажмий-режавий элементларининг ер юзасига горизонтал проекциясидан қуйидагича белгиланиши керак:

иншоотнинг ер ости қисмлари учун — ташқи контурдан 40 m;

ер усти вестибюллари, кириш-чиқиш жойлари учун — ташқи контурдан камида 5 m;

вентиляция киосклари учун — ташқи контурдан камида 25 m.

6. Вентиляция каналларининг ер усти ҳаво олиш жойлари қуйидаги масофаларда жойлаштирилиши лозим:

ёқилғи қуйиш шохобчалари чегараларидан — 100 m;

турар жой ва жамоат биноларининг ташқи деворларидан, метро вестибюлларидан, ер ости пиёдалар ўтиш жойларининг чиқиш жойларидан, ўрмон (боғ) чегарасидан, ишлаб чиқариш ҳамда омборхона бинолари ва иншоотларининг чегараларидан — 15 m;

очиқ автотураргоҳларнинг чегараларидан — 10 m.

7. 20 m дан ортиқ чуқурликда жойлашган ер ости иншоотлари ёки конструкциянинг юқори нуқтаси ва муҳандислик тармоқлари канал (лоток)лари орасида қалинлиги 6 m дан кам бўлмаган барқарор грунтлар бўлганда, муҳандислик тармоқларининг ер ости иншоотлари ёки ушбу тармоқлар иншоотларига нисбатан жойлашуви бўйича хавфсизлик ва техник зоналар белгиланмайди.

8. Ёнувчан ҳамда енгил ёнувчан суюқлик ва газларни ташувчи қувур ўтказгичларни ер ости иншоотлари ва ерусти объектлари остида жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

ШНҚ 2.07.07-24 «Ер ости маконлари»
шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
5-ИЛОВА

Функционал зоналари ҳудудларида кўп функцияли ер ости макони қисмларини жойлаштириш шартлари

Функционал зоналар	**Кўп функцияли ер ости макони қисмлари турлари**		
	жамоат қисмлари	**турар жой қисмлари**	**ишлаб чиқариш қисмлари**
Ишлаб чиқариш зонаси	йўл қўйилади	турар жой функцияси бўлмаганда йўл қўйилади	йўл қўйилади
Кўп функцияли марказлар Кўп функцияли зоналар Магистраль автойўли бўйи ҳудудлари	таркибига фаол ташриф буюриладиган жамоат объектларини мажбурий равишда киритиш шарти билан йўл қўйилади		
Ихтисослашган жамоат зоналари	жойлаштириш имконияти ҳудуд учун шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишда белгиланади		
Магистраллараро ҳудудлари	жойлаштиришга йўл қўйилади		
Маҳаллий (локал) жамоат марказлари	таркибига фаол ташриф буюриладиган жамоат объектларини мажбурий равишда киритиш шарти билан йўл қўйилади		

Изоҳ: Ушбу функционал зоналари учун ШНҚ 2.07.01-23 *да белгиланган норматив параметрлар бузилмаса, ер ости макони участкаларини жойлаштиришга йўл қўйилади.*

ШНҚ 2.07.07-24 «Ер ости маконлари»
шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
6-ИЛОВА

Функционал зоналари ҳудудларида ер ости маконининг функционал таркиби

Функционал зоналар	**Кўп функцияли ер ости макони қисмлари турлари, %**		
	жамоат қисмлари	**турар жой қисмлари**	**ишлаб чиқариш қисмлари**
Ишлаб чиқариш зонаси	0 — 40*	0 — 30*	0 — 20*
Кўп функцияли маркази	50 — 100**	10 — 50	10 — 40
Кўп функцияли зона	10 — 60**	10 — 40**	10 — 30**
Магистраль автойўли бўйи ҳудуди	10 — 50**	10 — 40	10 — 30
Ихтисослашган жамоат зонаси	Жойлаштириш имконияти ҳудуд учун шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишда белгиланади		
Магистраллараро ҳудудлар	10 — 60	10 — 40	10 — 30
Маҳаллий (локал) жамоат маркази	10 — 40**	10 — 30**	10 — 30**
Турар жой гуруҳлари	10 — 30	10 — 20	0
Турар жой мавзеси (даҳаси)	10 — 25	10 — 20	0
Турар жой тумани	10 — 20	10 — 20	0

* Турар жой функцияси бўлмаганда йўл қўйилади.

** Фаол ташриф буюриладиган жамоат объектлари — чакана савдо, маиший хизмат кўрсатиш, маданий-кўнгилочар объектлари.

Изоҳ. Ушбу функционал зоналар учун ШНҚ 2.07.01-23 да белгиланган норматив параметрлар бузилмаса, ер ости макони қисмларини жойлаштиришга йўл қўйилади.

ШНҚ 2.07.07-24 «Ер ости маконлари»
шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
7-ИЛОВА

Ер ости иншоотларини қуришда қўлланиладиган технологиялари

	Ер ости иншоотларини қуриш технологиялари мураккаблиги
	I-синф. Масъулияти пасайтирилган ёки нормал даражадаги иншоотлар
1.	Металл қозиқ ва шпунтларни қозиқ қоқиш машинаси ёрдамида ерга киргизиш
2.	Разрядли-импульсли технологиялар ёрдамида қозиқлардан котлованларни тўсиш
	II-синф. Оддий масъулият даражасидаги иншоотлар
3.	Металл қозиқ ва шпунтларни босим остида ерга киргизиш
4.	Грунтдаги девор:
5.	грейфер ёрдамида ковланган траншея усулида
6.	суюқликни пуркаш технологияси ёрдамида бажарилган тупроқ-цементли қозиқлар ёрдамида
7.	суюқликни пуркаш технологияси ёрдамида, кимёвий қўшимчалар билан бажарилган тупроқ-цементли қозиқлар ёрдамида
8.	бурғилаб аралаштириш усулида бажарилган қозиқлар ёрдамида
9.	Котлован тўсиқларининг конструкцияларини доимий тупроқ анкерлари билан маҳкамлаш
10.	Мослашувчан равоқ ёрдамида кириб бориш усулида
11.	Фаол қўшимчаларни қўллаган ҳолда туннель ковлаш механизация комплекс (шчит)лари ёрдамида:
12.	аэрация усулида
13.	бирлаштирилган (комбинацияланган) усулда
	III-синф. Аҳоли пунктининг тарихий қисмида масъулиятли, шу жумладан ўта хавфли, техник жиҳатдан мураккаб ва ноёб объектлар
14.	Металл қозиқ ва шпунтларни юқори частотали тебранишли (вибрацияли) болға (машина) ёрдамида ерга киргизиш
15.	Грунтдаги девор:
16.	қазиш-фрезалаш машинаси ёрдамида ковланган траншея усулида
17.	бурғилаб киргизилган темир-бетон қозиқлар ёрдамида
18.	листли арматура билан бажариладиган йиғма-монолит траншея усулида
19.	олдиндан зўриқтирилган арматурали йиғма-монолит траншея усулида
20.	суюқликни пуркаш технологияси ёрдамида бажарилган фильтрацияга қарши парда усулида